

## Куфр ва мунофиқлик ҳукм сурган жамиятлардаги ҳолат



19:00 / 26.11.2024 1427

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿يَكْتُمُونَ كَانُوا يَمَّا أَعْلَمُوا وَاللَّهُ بِهِ خَرَجُوا قَدْ وَهَمَ بِالْكَفْرِ دَخَلُوا وَقَدْ آمَنَّا قَالُوا جَاءَكُمْ وَإِذَا

**«Улар ҳузурингизга келганларида: «Иймон келтирдик», - дерлар. Ҳолбуки, улар куфр ила кириб, шубҳасиз, ўша ила чиққандирлар. Аллоҳ улар беркитган нарсани яхши билувчидир» (Моида сураси, 61-оят).**

Бу оят мунофиқ яҳудийлар ҳақида экани кўриниб турибди. Зотан, мунофиқлик аслида улардан чиққан. Ўша пайтларда мунофиқлар асосан яҳудийлардан бўлган, десак ҳам бўлаверади. Мунофиқларнинг бошлиғи

Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг яҳудий бўлгани маълум ва машҳур. Мунофиқ яҳудийлар мусулмонларнинг ҳузурларига келганларида «Иймон келтирдик», дейдилар. Шаҳодат калималарини қайта-қайта айтишлари, баъзи ибодатларда пешқадам бўлиб иштирок этишлари ҳам мумкин. Аммо Аллоҳ таоло уларнинг кофир эканликларига гувоҳлик бериб турибди:

«Ҳолбуки, улар куфр ила кириб, шубҳасиз, ўша ила чиққандирлар».

Оғизларида «иймон келтирдик» деб айтган чоғларида ҳам кофир эдилар, чиқиб кетишларида ҳам куфр ҳолларида кетдилар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Улар ўзларича, мусулмонларни боладик, деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, бу қилмишлари ўзларига зарар. Чунки:

«Аллоҳ улар беркитган нарсани яхши билувчидир».

Бинобарин, ҳаммасининг жазосини беради. Бугунги кунда ҳам мусулмонлар ҳузурида, биз ҳам мусулмонмиз, деб кўкракларига ураётган турли тоифа мунофиқлар бу ҳақиқатни яхши англасинлар.

﴿يَعْمَلُونَ كَانُوا مَا لَيْسَ الشُّحَّتَ وَأَكْلِهِمُ وَالْعَدْوَانَ الْإِيمَانِ فِي يُسْرِعُونَ مِنْهُمْ كَثِيرًا وَتَرَى﴾

**«Ва улардан кўпларининг гуноҳга, душманликка ва ҳаром емоққа ошиқаётганини кўрасан. Қасамки, қилаётган ишлари қандай ҳам ёмон!»** (Моида сураси, 62-оят).

Куфр ва мунофиқлик ҳукм сурган жамиятларда, қавмларда ўзи шундай: разолат кенг қулоч ёяди, динсиз ва мунофиқлар гуноҳ ишларда, душманлик ва зулмда ҳамда ҳаромхўрликда бир-биридан ўзишга ҳаракат қилади. Чунки улар кофирдирлар. Чунки улар мунофиқдирлар. Кофирларнинг Худодан ҳам, охиратдан ҳам умидлари йўқ, шунинг учун разолатга ошиқадилар. Нима қилиб бўлса ҳам, ҳавойи нафсларини қондиришнинг пайдан бўладилар. Мунофиқлар эса мўмин-мусулмонларни ишонтиряпман-ку, бошқаларни ҳам ишонтириб кета оламан, деб ўз нафсларига ҳам мунофиқлик қиладилар. Шунинг учун разолатга ошиқадилар. Ҳар турли йўл билан ҳавойи нафсларини қондиришга уринадилар. Ҳолбуки:

**«...қилаётган ишлари қандай ҳам ёмон!»**

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди**